

Қачон Аллоҳ таоло бир умматга раҳмати бўлишини хоҳласа

09:05 / 13.06.2018 3416

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон Аллоҳ таоло бир умматга раҳмати бўлишини хоҳласа, пешвоз чиқиш учун улардан олдин пайғамбарларининг жонини олади. Қачон бирор умматни ҳалок этишни хоҳласа, пайғамбарлари тирик туриб уларни азобга гирифтор қилиб ҳалок этади. Ва у пайғамбар ёлғонга чиқариб, буйруғига осийлик қилган (умматининг қандай азобланаётганини) ўз кўзи билан кўриб туради», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.